

# **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САВДО ФАОЛИЯТИ СОЛИҚ АУДИТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

**Уразов К.Б.** Самарқанд иқтисодийт ва сервис институти профессори  
**Хурозов А.М.** магистрант

**Аннотация:** Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида савдо фаолияти солик аудитини ташкил қилиш ва ундаги муаммоларни бухгалтерия хисобида ва ҳисботовларида туғри юртилиш олиб бориш ёритилган.

**Калит сўзлар:** рақамли савдо, ташқи савдо, ички савдо, улгуржи товар, чакан товар, ялпи ички маҳсулот, солиқлар аудити, ташқи аудит, солик назорати.

**Аннотация:** В данной статье описана организация налоговой проверки торговой деятельности в условиях цифровой экономики и правильное выявление ее проблем в бухгалтерском учете и отчетности.

**Ключевые слова:** цифровая торговля, внешняя торговля, внутренняя торговля, оптовые товары, розничные товары, валовой внутренний продукт, налоговая проверка, внешний аудит, налоговый контроль.

**Abstract:** This article describes the organization of a tax audit of trade activities in the conditions of the digital economy and the correct identification of its problems in accounting and reports.

**Keywords:** digital trade, foreign trade, domestic trade, wholesale goods, retail goods, gross domestic product, tax audit, external audit, tax control.

Ҳозирги вақтда “солик аудити” тушунчаси мамлакатимиз ва хорижий адабиётларда тез-тез ишлатиладиган тушунча бўлиб қолмоқда. Бироқ, меъёри ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам, иқтисодий адабиётларда ҳам “солик аудити” тушунчаси ҳар хил талқин қилинмоқда.

Солик аудитининг мұхымлигини Т. Д. Барсулая қўйидагича ифодалайди: ҳозирги вақтда аудиторлик хизмати турлари ичида солик аудитига кўпроқ эҳтиёж туғилмоқда. Экспертларнинг баҳолашича Россия аудиторлик компаниялари тушумининг 30 фоизи солик аудитига тўғри келмоқда.<sup>1</sup>

Яна бир Россиялик иқтисодчи Л.В. Усатова ўзининг илмий ишларида солик аудитини қўйидагича эътироф этган: “Солик аудити-бу бухгалтерия ва солик ҳисобларининг ҳолатини, шунингдек ташкилотларнинг солиқлар ва ийфимлар бўйича ҳисоб китобларини мустақил текширишдир”.<sup>2</sup>

Жаҳон амалиётида ҳам, мамлакатимизда ҳам молиявий назоратнинг турларидан бири бўлиб солик назорати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солик кодексининг 135-моддасида солик назоратига таъриф берилмасада, у қўйидагича эътироф этилган: “Ваколатли органларнинг солик тўловчилар ва солик агентлари томонидан солик

<sup>1</sup> Барсулая Т.Д. Налоговый аудит. Учебник: учебное пособие / Барсулая Т.Д. — Москва : Руслайнс, 2019. — 582 с. — ISBN 978-5-4365-3384-1. — URL: <https://book.ru/book/932100> (дата обращения: 14.12.2019).

<sup>2</sup> Усатова Л.В. Организация процесса налогового аудита расходов. Журнал экономический анализ: теория и практика, 2008, 24 (129), 26-31стр

тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолияти солик назоратидир”.<sup>3</sup> Ушбу кодекснинг 136-моддасида солик назоратини қуидаги шаклларда солик текширувлари; солик мониторинги шаклида амалга ошириш кўзда тутилган.<sup>4</sup> Шунингдек, Кодекснинг 137-моддасида солик текширувларининг қуидаги



**1-расм. Солик текшируви турлари**

Илмий изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодчи ва мутахасислар “солик аудит”ини аудитнинг бир тури, ички аудит, хизмат кўрсатиш тури сифатида ҳар хил талқин қилишмоқда. Масала, О.А. Миронова ва А.Ф. Ханафеевларнинг фикрича, солик аудити аудитнинг бир туридир, “тегишли хизматлар” эмас. Бу муаллифлар ўзларининг фикрларини давом эттириб, солик аудити доирасида солик режалаштириши амалга оширилади, бюджет билан ҳисоб-китоблар назорат қилинади, шунинг учун ҳам аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган ташқи аудитнинг мустақил тури деган хулоса қилишади.<sup>5</sup> Д.В. Орлов эса, солик аудитини солик тўловчиларга кўрсатилаётган алоҳида хизмат тури сифатида моҳиятини очишга ҳаракат қилган.<sup>6</sup>

Халқаро амалиётда солик аудитини ўтказиша аудитнинг халқаро стандартларидан кенг фойдаланинади. Солик аудитини ўтказиша қуидаги аудитнинг халқаро стандартларидан ” АХС 200 “Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солик кодекси. ЎРҚ-599, 2019-йил 30-декабрь.

<sup>4</sup> Шу ерда.

<sup>5</sup> Миронова О.А., Ханафеев А.Ф. Развитие налогового аудита: проблемы и перспективы / О. А. Миронова, А. Ф. Ханафеев // Аудиторские ведомости. - 2014. - №5. - С. 27 – 37.

<sup>6</sup> Орлов, Д. В. Развитие методологии и организации налогового аудита в коммерческих банках: автореф. дис. ... канд. экон. наук:08.00.12 [Электронный ресурс] / Орлов Дмитрий Валерьевич. – Режим доступа: <http://www.psu.ru.18.12.2019>.

ўтказиш”, АХС 800-«Махсус масалалар-максус мақсадли асосларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар аудити», Аудитнинг Халқаро Стандарти (АХС) 805 “Махсус масалалар – айрим молиявий ҳисоботлар ҳамда молиявий ҳисоботдаги максус элементлар, счёtlар ёки моддалар аудити”.

**Биринчидан** савдо, умумий овқатланиш ёки хизмат кўrsатиш шохобчасида НКТ ва тўлов терминалларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини текшириш.

**Иккинчидан** назорат хариди хукуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисида мурожаат этган жисмоний шахс ёки “яширин харидор” хизматини кўrsатувчи юридик шахс амалга ошириб чиқаётган харидор кўrsатмаси асосида амалга оширилади.

**Учинчидан** назорат хариди бўйича баённома тузиш ва унда НКТдан фойдаланилганлиги ва тўловларни банк пластик карточкалари орқали қабул қилинишини текшириш

**Тортинчидан** солиқ тўловчининг кассаларида мавжуд нақд пул қолдигини саноқдан ўтказиш, назорат-касса техникаси хотирасига киритилган нақд пул суммаси билан солиштириш.

**Бешинчидан** онлайн назорат-касса техникалари ва виртуал касса ўрнатилиши шарт бўлган савдо, хизмат кўrsатиш ва умумий овқатланиш шохобчасида қурилмаларни қўллаш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари (МҲМС ва МҲҲС)
2. Пўлатов, X. У. (2023). САВДО КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ ҲИСОБИНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ. Экономика и социум, (6-2 (109)), 931-934.
3. Уразов К.Б. Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш.–Т.: Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси, 2004.–336 б.; 101.
4. Уразов К.Б., Вахидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик.- Т.: «Адаб», 2011. – 480 б;
5. Пўлатов, X. У. (2023). САВДО КОРХОНАЛАРИДА ТОВАРЛАРНИ СОТИЛИШИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Экономика и социум, (6-2 (109)), 919-921.
6. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. ЎРҚ-599, 2019-йил 30-декабрь
7. Миронова О.А., Ханафеев А.Ф. Развитие налогового аудита: проблемы и перспективы / О. А. Миронова, А. Ф. Ханафеев // Аудиторские ведомости. - 2014. - №5. - С. 27 – 37
8. Орлов, Д. В. Развитие методологии и организации налогового аудита в коммерческих банках: автореф. дис. ... канд. экон. наук:08.00.12 [Электронный ресурс] / Орлов Дмитрий Валерьевич. – Режим доступа: <http://www.psu.ru.18.12.2019>